


БИР ЖИНОЯТ МУҲОКАМАСИ



Қумқўрғон туман “Чаёнтепа” маҳалласида туман ҳокими Р.Гаппаров, туман ИИБ бошлиғи Н.Нарзуллаевлар маҳалла фаоллари билан учрашди.

Мазкур маҳаллада яшовчи Б.М нинг яшаш уйида қасдан ёнғин содир этилганлиги ва катта миқдорда зарар етказилганлиги ҳақида айтиб ўтилди.

Содир этилган жиноят таҳлил қилиниб, келгусида жиноят ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора тадбирлар белгилаб олинди.

Шунингдек, учрашувда фирибгарлик жиноятлари ҳам муҳокама этилди.